

**АВТОМАКТАБ ЎҚИТУВЧИ ВА ҲАЙДОВЧИ-  
ЙЎРИҚЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАЙДОВЧИ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.**

**Иброҳимов Иброҳим Баходирович**

**ibrohimovibo47gmail.com**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Автомобиль тайёргарлиги  
кафедраси ўқитувчиси.

Тел. 91 925 47 47

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда малакали ҳайдовчиларни тайёрлашга ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқиладиган чора тадбирлар, ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар, статистик ҳисоблаш орқали аниқланганлиги, пиёданнинг хавфсизлиги, ҳайдовчилар малакасини ошириш йўллари ва шароитлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳайдовчи, автомактаб, ўқитувчи, пиёда хавфсизлиги бўйича янгича ёндашув, малака ошириш.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ҳайдовчилар маданиятини шакллантиришдан бошланади. Ҳайдовчи маънавиятини белгиловчи муҳим омил деган саволга – Абдулла Авлоний фикрича, инсонни фақат яхшиликка чақирувчи ва ёмонликдан қайтарувчи илмдир. Ҳайдовчилар фуқаролар билан яхши муомалада бўлиши уларнинг ҳуқуқларини, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиши, оғоҳ бўлиши, ўз билим ва касбий кўникмаларини доимий равишда такомиллаштириш, малакаси ва маданиятини ошириш, иш вақтида ва хизматда бўлмаган вақтда ўз шаъни ва обрўсини сақлаши, жамоат тартибини сақлаш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишда намуна бўлишга мажбурдирлар. Одоб-ахлоқ қоидалари касбий этиканинг умумий тамойиллари ҳайдовчининг хизматга оид хулқ-атворининг асосий қоидаларидан таркиб топади. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ходим фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири бўлади.

Ҳайдовчилар учун универсал ахлоқий тамойиллар. Ҳайдовчининг юксак маданият соҳиби тушунчаси кенг қамровли бўлиб даставвал ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий, интеллектуал, касбга оид фазилатларни ўзига жамлаган. Юксак маданият тушунчаси муайян тарзда қуйидаги фазилатларни ифодалайди:

- маънавий-ахлоқий фазилатлар: хизмат бурчига садоқат, озадалиқ,

покизалик, ҳалоллик, ростгўйлик, яхши хулқ, хушфёъл, хушфёъллик, одоб-ахлоқ;

– индивидуал – психологик фазилатлар: вазмин, иродали, юқори интеллектга эга бўлиш, янги билимларга интилиш, фуқаролар билан муомала маданиятини намоён қила олиш, ҳаётга фаол ёндашиш;

– ватанга садоқат ва ватанпарварлик туйғулар: Ватанга муҳаббат, ўз ватани, халқини севиш, унинг тарихини, урф-одатлари, анъаналарини билиш, бошқа миллатларни тили, дини ва маданиятини ҳурмат қилиш, доимо Ватанни ҳимоя қилишга, зарур бўлса жонини фидо қилишга тайёр бўлиш, мустақиллик ғояларини тарғиб қила олиш, Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилиш;

– касбга оид фазилатлар: профессионалик, қонунларга риоя этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, ташаббускорлик, глобал интернет тармоғидан фойдалана олиш, касбга оид инновацион технологияларни билиш ва илғор хорижий тажрибадан хабардорлик, ўз бурчига содиқлик, мардлик, жасурлик, фидоийлик, масъулият, қатъиятлик.

Ҳайдовчилар биринчи навбатда яхши хулқ эгаси маданиятли бўлмоғи лозим. Яхши хулқ уларнинг безағи.

Умуминсоний ахлоқ принципларига қуйидагилар киради: инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжаҳатлик тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатлик, одамийлик, қонунийлик ва х.к.

Инсонпарварлик принципи. Инсонпарварлик икки маънода, биринчидан амалий фаолият, яъни инсоннинг озодлик ва тенглик учун олиб борадиган кураши; иккинчидан, дунёқараш, мафкура, сиёсат, ахлоқ, тарбия сифатида тушунилади. Бу икки томон доимо бир-бирини тўлдириб туради.

Инсонпарварлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, бахт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳамда ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи олижаноб туйғулар, қарашларнинг мажмуидир. Инсонпарварлик ахлоқий принцип сифатида кишиларнинг хулқини бир-бирига ҳурмат ва ғамхўрлик, инсоннинг куч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб борадиган хатти-ҳаракатларни билдиради.

Жамоатчилик принципи. Ҳеч бир одам ўзгалардан ажралган ҳолда яшамайди. У албатта бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда жамоа-жамоа бўлиб яшайди ва меҳнат қилади. Жамоа бўлиб яшаш инсонларга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бу хусусият асосида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, қўллаб-қуватлаш, ҳамдарлик ётади.

Жамоатчилик принципи деб ҳайдовчиларининг йўл транспорт ходисалар-нинг олдини олиш, инсонларнинг хавфсизлиги, ўзаро ёрдам муносабатлари билан боғлиқ ихтиёрий, онгли хатти-ҳаракатларини белгиловчи қоидалар мажмуига айтилади.

Адолат принципи. Ҳайдовчиларда ахлоқининг энг муҳим принципларидан бири бу адолатлилик.

“Адолат” - арабча сўз бўлиб, одиллик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик деган маъноларни англатади. “Адолат” тушунчаси кенг қамровли тушунча сифатида ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Умуман олганда, адолат бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга киришган инсонларнинг ўз бурч ва вазифаларни жамият талаб-ларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилона бажаришларини ўзида акс эттирувчи ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий категориядир. Адолат ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида ахлоқий-ҳуқуқий муносабатларни назорат қилиб турувчи одамларнинг фаолиятига баҳо берувчи зарурий ўлчов ҳисобланади.

Ватанпарварлик принципи. “Ватан” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “она юрт” деган маънони англатади. “Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етимликдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирлигини кадрловчи, ўз-ўзига сиёсий беклигини ифодалавчи замин, маънавий камолат ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир”<sup>9</sup>

“Ватанни севмоқ иймондандир”, - деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Ватанни севиш ватанпарварликнинг негизини ташкил қилади. Ватанпарварлик ҳақида донишмандлар шундай деганлар:

Ҳайдовчи юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эга бўлиши керак. Юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятининг шартларидан биридир. Юксак ҳуқуқий онг фуқароларимизнинг қонунларни чуқур билишини, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлардан хабардорлигини билдиради. Юксак маданиятли ходим ўз ишининг устаси, компетент бўлиши лозим.

Бу ҳайдовчилардан ўз ишини чуқур билишни, яъни компетент бўлишни тақозо қилади. Компетентлик касбий фаолиятни ташкил этишда зарур бўлган билим, кўникма ва малакага эга бўлиш, ҳайдовчи томонидан ўз вазифасини бажариш жараёнида вужудга келган муаммоларнинг тўғри ечимини топиш, ҳамда қарор қабул қила олишдир.

Ҳайдовчининг Маданият деганда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий кадриятлар тушунилади. Касб маданияти бу – махсус

фаолият турини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва қобилиятнинг юқори бир даражасидир. Ҳайдовчиларнинг касб маданияти умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳайдовчиларни ўз фаолиятида умуминсоний маданият ва ҳайдовчининг касб маданияти талабларига риоя қилади. Ҳайдовчининг касбий маданияти деганда хизмат олиб бораётган кишининг ўз хизмат вазифаларини қонун, ахлоқ, ҳуқуқ жиҳатидан юқори даражада амалга оширишини тушунамиз. Ҳайдовчиларнинг касбий маданияти ўзида ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятни, муайян меҳнат турининг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларни қамраб олади. Ҳайдовчиларнинг касбий маданиятининг асосий жиҳати меъёрий характерга эгалигидадир, яъни ҳайдовчиларни маданий қиёфасига талаблар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланганлигидир. Ҳайдовчиларнинг касбий маданияти уларни фуқаролар билан муомаласи, фуқароларни ҳуқуқлари, манфаатлари, қонунчилик, жамоат тартиботини мавжуд бўлган қонунлар, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга суянган ҳолда ҳимоя қилиши, ҳамда кийинишида намоён бўлади.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда инсон йўл ҳаракатининг асосий иштирокчилари бўлиб, ҳайдовчи, йўловчи, пиёда ҳаракатни ташкил қилувчи сифатида қатнашади. Буларнинг ичида ҳайдовчи ҳаммасидан кўра муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳайдовчининг психологик, физиологик ва биологик имкониятларини ҳаракатни ташкил қилишда эътиборга олиш лозим бўлади.

**Этика** – бу инсон ҳаётининг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланган ахлоқ-одоб масалаларини ўрганувчи фалсафий фан бўлиб, инсонга унинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб, тўғри ҳаёт йўлини ўргатади. Шунинг учун ҳам этика ўзида инсон турмуши назариясини, ҳиссиётини ўрганишни ва айни вақтда фаровон ҳаёт, бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақидаги таълимотни қамраб олади. Ҳайдовчининг этикаси – унинг интизомлигида, жавобгарликни ҳис этишида, жамоага муносабати каби ахлоқий сифатларида намоён бўлади. Меҳнатсеварлик, одамларга меҳрибонлик, камтарлик яхши ва ишончли одамларга хос фазилатлардир. Ишга қизиқмаслик, манманлик, кўполлик, атрофдагиларни ҳурмат қилмаслик, тартиб интизомни хуш кўрмаслик, ЙТХни содир этишга мойил шахснинг сифатларини намоён қилади. Ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги, одатда, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини менсимасликда кўринади. Ҳайдовчи фақат ўзини хавфсизлигига эмас, балки бошқа ҳаракат иштирокчиларини ҳам хавфсизлигини ўйлаши керак. Фақат ўзи қоида талабларига қатъий риоя қилмасдан бошқаларнинг ҳам хатти-ҳаракатини кузатиб туради. Масалан, шаҳарларда айрим ҳайдовчилар

бурилиш пайтида қоида талабини менсимасдан қатнов қисмидаги пиёдаларни ўтказиб юбормайди-лар. Пиёдаларни ўтказиб юбориши керак бўлган ҳайдовчи уларга жуда яқинлашиб, товушли ишоралар ва дағ-даға қилиб қўрқитиш ҳоллари ҳам учрайди. Кўпчилик ҳайдовчилар огоҳлантирувчи ишоралар беришга ҳожат йўқдек иш кўрадилар, ёки уларни ишораларидан хатти-ҳаракатларини тушуниш қийин бўлади. Ҳаракат иштирокчилари ноқулай вазиятда ёки чорраҳада танг аҳволда қолганларида уларга нисбатан ҳайдовчиларнинг бефарқ бўладиган ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, кўшни қаторга қайта тизилаётган ҳайдовчига нисбатан, иккинчи ҳайдовчи тезликни камайтириш ва оралиқ масофани ошириб, унга ёрдам бериш ўрнига, аксинча масофани қисқартиради. Баъзи бир пайтларда чорраҳа олдида двигатель ишламай ўчиб қолади. Бундай ҳолларда ушбу ҳайдовчининг аҳволини тушуниш ва сабр тоқат қилиш ўрнига, унга нисбатан ҳақорат, қўполлик, ҳатто айрим ҳайдовчилар жуда баланд ва узлуксиз товушли ишораларни бериб ўтиб кетадилар. Ҳатто энг тажрибали ҳайдовчи ҳам шундай танг аҳволга тушиб қолиши ва атрофдагиларнинг унга билдирган муносабатидан ўзини йўқотиб, саросимага тушиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳар қандай ҳайдовчи бошқаларнинг ёрдамига муҳтожлик ҳолатига тез-тез тушиб туради. Агар ҳаракат иштирокчилари ўзаро хушмуомалада бўлиб, хайрихоҳ ва ёрдам беришга тайёр бўлсалар, ЙТХ сони анча камаяди ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Ҳайдовчининг йўлга чиқиш олдидан ёки йўлда спиртли ичимлик истеъмол қилиши тартиб-интизоми ва фаросати йўқлигининг энг оғир ва хавфли кўриниши ҳисобланади. Ҳайдовчи фаолиятини назорат қилмайдиган жамоалар-да бундай салбий хатти-ҳаракатлар тез-тез учраб туради. Спиртли ичимлик ёки наркотик модда истеъмол қилганидан кейин иш қобилиятининг пасайиши кузатилади ва ҳаракатланиш хавфсизлигига салбий таъсир этиб, хавф-хатарни янада оширади. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари жуда мураккаб, нозик, маълум бир қолиплар билан белгилаб бўлмайдиган жараёндир. Юқори даражадаги хавфли манба ҳисобланган транспорт воситасини йўлларда бошқариш жараёнида ҳайдовчи билан бошқа ҳайдовчилар, йўловчилар, пиёдалар, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари маълум даражада муносабатда бўладилар. Шу муносабат билан, йўлларда одобли бўлишга жиддий эътибор берилишини билиш керак. Ҳаракатда иштирок этадиган ҳайдовчилар-нинг ахлоқ-одоби ва уларнинг ўзаро атрофдагилар билан муносабатидан хавфсиз ҳаракатланишнинг замини яратилади. Ҳайдовчилар асосий эътиборни йўловчи-ларнинг хавфсизлигига

таъсир этадиган сўзлашиш маданиятига, яъни йўловчи-лар ва бошқа шахслар билан муносабатда бўлиш маданиятига қаратишлари лозим.

Жамият-турли ёшдаги, ҳар хил характер ва ҳар хил касб-ҳунар эгаларию, турли миллатга мансуб шахсларнинг мажмуидир. Ижтимоий ҳаётдаги шахслар-аро муносабатлар психологияси ҳар хил кишиларнинг бир-бири билан алоқасидан, ижтимоий меҳнатда сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда қатнашувидан, моддий-маънавий бойликлар яратишидан, уйда, кўча-кўйда ўзини тутишидан, руҳий ҳолатлари ҳамда муомала маданиятидан келиб чиқади. Шахслараро муносабатлар психологиясининг келиб чиқишида, шубҳасиз, ҳар бир миллатнинг хусусиятлари ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ўзбекларга хос бўлган катталарга ҳурмат, бетга чопмаслик, оғир вазминлик каби фазилатлар муҳитга ижобий таъсир кўрсатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳайдовчининг асосий эътиборини ҳаракатланиш жараёнида йўловчилар ва бошқа шахслар билан яхши муносабатда бўлиши, пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши унинг касбий этикасини намоён қилиши билан биргаликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

**"Ҳайдовчилар маданияти"** атамаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги муносабатларни англатади, улар одатда барча йўл ҳаракати қатнашчиларининг муносабатлари ва ўзаро манфаатдорлик даражасини тавсифлайди. Маълум бўлишича, рулда ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилади, авария вазиятларини яратмайди ва одатда бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларига ҳам, пиёдаларга ҳам ноқулайлик туғдирмасликка ҳаракат қилади.

Ҳайдаш маданияти деб аталадиган жуда катта қоидалар тўплами мавжуд. Ҳатто янги бошловчи ҳайдовчилар ҳам бу айтилмаган кўрсатмаларга амал қилиши мумкин. Биз фақат асосийларини кўриб чиқамиз.

Ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши ҳамкасбларига бўлган ҳурматнинг биринчи белгисидир. Ва агар улардан бири нотўғри маневр қилган бўлса ҳам, сиз асабийлашмаслигингиз керак. Авария вазиятини олдиндан олдини олиш учун ушбу ҳайдовчи кейинчалик нима қилишини тушунишга ҳаракат қилиш яхшироқдир.

Агар йўл четида бузилган машинани кўрсангиз, тўхтаб, ёрдам таклиф қилинг. Эҳтимол, у керак эмасдир ёки сиз ёрдам бера олмаслигингиз мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳамдардликнинг намоён бўлиши,

бошқаларнинг муаммоларига эътибор бериш яхши маданиятли одамнинг белгисидир.

Автомобилни тўхтаб туриш жойига қўяётганингизда уни бир яримта ёки иккита жойни эгалламаслиги учун тўғри жойлаштиринг. Бундан ташқари, аллақачон тўхтаб турган машинани "олдини тўсиб қўйманг". Бироқ, шундай бўладики, бошқа вариантлар йўқ бўлганда: телефон рақамингизни қоғозга ёзиб ойна остидаги асбоблар панелида қолдиришни унутманг.

Агар светофорда турган машина жуда тез ҳаракат қилмаса, бу ҳайдовчига доимий равишда сигнал берманг. Ахир, сиз шунчаки фараларни "милтиллати-шингиз" мумкин - ва у ҳамма нарсани салбий ҳис-туйғуларсиз тушунади. Қўшни машинада муаммолар пайдо бўлганда, бу ҳақда автомобиль эгасига хабар беринг.

Светофорнинг қизил чироғи ёки тирбандликда светофорга яқинлашганда, чапга бурилиб кетадиган машиналарга йўл беринг. Шахсан, бу сизни деярли кечиктирмайди, барибир тўхтаб туришингизга тўғри келмоқда! Аммо йўлни тўсиб қўйиб, сиз қўшниларингизни камида бир неча дақиқадан маҳрум қиласиз. Худди шу нарса тирбандликдаги пиёдаларга ҳам тегишли: пиёдалар ўтиш жойида тўхтаб турмасдан одамларга йўл беринг.

**Ҳайдовчилик этикаси одоб-ахлоқ қоидалари эмас, лекин йўлда ёрдам беради. Ҳайдовчилик этикаси нима?** Аввало - бу одамни автомобиль ҳайдашдаги ахлоқий қоидалари, яъни у ўзини қандай тутиши кераклигини билдиради. Ушбу қоидаларни бузганлик учун жарима солинмайди ёки жазоланмайди. Бироқ, ҳаддан ташқари асабийлашиш, ёмон кайфият ёки тажовузкор ҳайдаш услуги йўлда кўплаб нохуш вазиятларни келтириб чиқаради. Ҳар қандай қабул қилиб бўлмайдиган инсоний фазилатлар муаммога олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, баъзи шахсий сабабларга кўра, тажовузкор ҳайдовчи жуда кўп хавфли ҳаракатларни амалга оширади. Мисол учун, уни қувиб ўтаётган машина тезлигининг ортиши уни аниқ безовта қилади ва тажовузкорнинг ўзи газ педалини зўравонлик билан босишни бошлайди ва сохта жинойтчини ҳар қандай ҳолатда ҳам "жазолашга" ҳаракат қилади. Аксинча, барча қоидалар бўйича шартсиз устунликка эга бўлган транспорт воситасига йўл бериш керак бўлганда, у биринчи навбатда "ўтиб кетиш" га ҳаракат қилади. Ахлоқ қоидаларини бузган шахснинг яна бир белгиси - бу йўл ҳаракати қоидаларига зид равишда, бир қаторда этарлича тез ҳаракатланмаётган автомобилни қувиб ўтишдир. Ахлоқий меъёрларни бузиш йўлда вазиятни кучайтирадиган бошқа кўплаб ҳолатлар мавжуд.

**Идеал ҳолда, ҳаракат иштирокчилари ўртасидаги ахлоқий муносабатлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:**

- маст ҳолда машина ҳайдашдан бош тортиш;
- мулойим ҳайдаш услуби, "силтамасдан", тезликни кескин оширишмасдан ва фавқулодда тормозламасдан; оптимал услуб – бир текисда кўзгалиш, аста-секин тормозлаш ва қайта тизилиш, олдиндан огоҳлантириш сигналларини бериш;
- бошқаларнинг хатолари учун қасос олишга йўл қўйилмаслиги;
- энг хавфсиз ҳайдаш усулларидадан фойдаланиш;
- бошқа йўл қатнашчиларига максимал даражада ёрдам бериш;
- пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик ва мулойим муносабат - охири-оқибат, бу ҳомиладор аёл, кекса одам ёки бола бўлиши мумкин;
- йўловчилари учун жавобгарлик;
- автомобилнинг яхши техник ҳолати ва ташқи кўриниши.

Машинанинг нархидан, ҳайдаш тажрибасидан ва ҳатто яшаш мамлақати-дан қатъи назар, ҳар қандай одам учун белгиланган бошқа, жуда сийқаси чиққан, аммо самарали ахлоқ қоидалар мавжуд.

**Самарали ахлоқ қоидаларига қуйидагилар қиради:**

1. Бошқалар учун тушунарли бўлишга ҳаракат қилинг. Буни амалга ошириш учун чорраҳада ёки тўхташ жойида бурилишдан бир неча метр олдин эмас, балки бошқаларни маневрларингиз ҳақида олдиндан огоҳлантиришингиз керак. Қайта тизилишни кечиктирманг, ва уни кескин амалга оширманг: бу бошқа ҳайдовчиларни йўлдан чалғитади, улар келгусида сиздан нима кутишларини тушунишмайди. Бу уларни жаҳлини чиқаради.

2. Қувиб ўтиб кетишга ёрдам бериш - дўстона ҳайдовчининг белгисидир. Фуралари юк машиналари ҳайдовчилари бу қоидага қандай риоя қилишларини намойиш этадилар: аҳоли яшаш жойларидан ташқарида агар уларнинг орқасида енгил автомобиллар қатори йиғилган бўлса ва йўл бўш бўлса, улар ўнгга бурилиш сигнални ёқиб автомобилни ўнгга олиб орқадаги автомобилларни ўтказиб юборади; Чапга бурилиш сигнали ёқса, орқадаги ҳайдовчиларга қарама-қарши бўлакда автомобиллар ҳаракатланиб келаётганлигини ва қувиб ўтишни кечиктириш кераклигини аниқлатади.

3. Агар йўл торайиб қолса, ўтиш тартибига риоя қилинг - бундай участкаларда бир-бирини кетидан юрмасдан "буриш" ўзингиз учун қимматга тушади. Шунинг учун баъзи мамлакатларда бундай ҳолларда хавфсиз маневрлар алгоритми қонуний равишда белгиланади.



4. Ён томондан чиқишга уринаётган ҳайдовчиларга ёрдам беринг. Дарҳақиқат, зич транспорт оқимида уларни орасидаги йўлни бўшабини кутиш учун узоқ вақт туришлари керак бўлади. Ва биринчи қатордаги машина камида бир неча сония секинлашганда, бу кутиб турган машинанинг оқимга кўшилишига ёрдам беради.

5. Тўлиқ зулматда эмас, қоронғи пайитларда яқинни ёритувчи фараларни ёқиш яхшироқдир. Бу кўринишни яхшиламаса ҳам, бошқаларга машинангизни олдиндан кўришга ёрдам беради. Ва айниқса, пиёдалар учун.

6. Умуман олганда, ёритиш мосламаларидан тўғри фойдаланиш ҳақиқий профессионалнинг белгиси ҳисобланади. Мисол учун, "узоқ масофада" узоқни ёритувчи чироқ билан ҳеч қачон рўпара ҳайдовчининг кўзини камаштирмайди, агарда ўз вақтида яқини ёритиш чироғига ўтса. Ва агар оғир юк машинаси кўтарилиш чўққисига яқинлашаётган бўлса, унинг ҳайдовчиси яқинни ёритувчи чироғини бироз олдинроқ ёқади, рўпарадан келаётган автомобилнинг чироғи кўрингунга қадар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайдовчи-йўриқчиларнинг малакасини баҳолаш, транспорт соҳасидаги муҳим вазифа бўлиб, бу жараённинг самарадорлиги йўловчиларнинг хавфсизлиги ва транспорт тизимининг умумий самарадорлигини белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2024 йил 19 январдаги Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 900-сон қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йилнинг 4 апрел кунидаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Хавфсиз ва равон йўл” тамойили.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш

тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ВМҚ-393-сон қарори.

6. И.Б. Иброҳимов. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Eurasian journal of law, finance and applied sciences Journal has been listed in different indexings ISSN 2181-2853 189-193 б 2022 йил декабрь Т.

7. И.Б. Иброҳимов. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, ҳайдовчилар маданиятини шакллантирувчи ва акс эттирувчи психологик коидалар // Автомобиль техникаларини ишлаб чиқариш ва эксплуатациясида инновацион технологияларининг қўлланилиши” Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти техник таъминот кафедраси. 116-122 б. 2022 йил.

8. И.Б. Иброҳимов. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Eurasian journal of law, finance and applied sciences international scientific journal special series “administrative-legal reforms implemented in the system of internal affairs bodies: results and prospects” Volume 2 Issue 10, Page 189-193. Special Issue 2022.

9. I.B. Ibrohimov. History of the Introduction of Electric Cars, Advantages and Disadvantages // AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH ISSN: 2690-9626 Vol. 3, No. 11, 2022.

10. М.М.Файзиев Ҳайдовчилик маданияти ўқув қўлланма 166 бет Тошкент 2024 йил

11. WWW.KUN.uz .